

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2017
август

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Х.ҚОСИМОВ, Н.ИКРАМОВА

Ядросида Мейер функцияси қатнашган каср тартибли интегродифференциал операторлар композициясининг бир хоссаси ҳақида 5

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

А.МИРЗАҚУЛОВ, Х.ШЕРМАТОВА, З.МУҚИМОВА

Физика ўқитувчисининг таълимга инновацион ёндашуви 8

БИОЛОГИЯ, КИМЁ

Д.КОМИЛОВА

Барг ўровчи құнғызлар (Coleoptera: attelabidae)нинг тарқалиши ва қисқача үрганилиш босқичлари 12

М.АҲМАДАЛИЕВ

Дифурфурилиденацитоннинг олигомерланиши.-I. 15

М.ИСМОИЛОВ, Х.ЖҮРӘЕВ

Қовушқоқликни оширувчи құндирмалар олиш 20

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

В.МАХМУДОВ

Кўп йиллик бошоқдош ўсимликларни Ўзбекистон адиrlарида интродукция қилиш 24

М.ФОЗИЕВ

Беда остига солинган ҳар хил органо-кимёвий моддаларнинг тупроқдаги микробиологик жараёнларга таъсири 27

Ижтимоий-туманинтар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.ҒАФУРОВ, Г.ХАЛМАТЖАНОВА

Қўшилган қийматни қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида шакллантириш хусусиятлари 30

О.ТЎЙЧИЕВА

Тўқимачилик корхоналарида лизинг муносабатларининг ривожланиш тенденциялари 33

Қ.ЮСУПОВ

Сурутанинг бозор иқтисодиётидаги афзаллиги ва самарадорлиги 36

ФАЛСАФА, СИЁСАТ, ТАРИХ

Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, И.СИДДИҚОВ

Ўзбекистонда таълим тизимининг тараққиёти ва самарадорлиги 40

Б.ТЎЙЧИЕВ, У.НАЗИРОВ

Фуқаролик жамиятига ўтиш шароитида оилавий қадриятларнинг ўрни 45

Н.ПУЛАТОВА

Аҳолининг ижтимоий фаолиятида экологик маданиятни шакллантириш масалалари 49

Ф.ЮЛДАШЕВ

Фалсафада этика фанини ўқитишнинг назарий ва амалий масалалари 52

Н.РАҲИМБАБАЕВА

Донишманлар масъулият ҳисси ҳақида 55

М.ЭРГАШЕВА

Совет ҳокимиияти даври (1919-1945 йй.)да архив ҳужжатларини жамлаш 58

АДАБИЁТШУНОСЛИК

А.АБДУРАҲМОНОВ

Қуёш образи ва унинг поэтик функцияси 63

ТИЛШУНОСЛИК

С.ҚУРБОНОВА

Лингвистик воситалар орқали шахс хусусиятларининг намоён бўлишига доир 66

ҚУЁШ ОБРАЗИ ВА УНИНГ ПОЭТИК ФУНКЦИЯСИ

А.Абдурахмонов

Аннотация

Ушбу мақолада қуёш образининг поэтик функцияси ўзбек лирикаси мисолида тадқиқ этилади. Шеърий асарда соя билан ўзаро қарама-қарши майдонга эга бўлган қуёш образи бадиий ғояни намоён қилувчи асосий омил сифатида изоҳланади.

Аннотация

В статье исследуются поэтическая функция образа солнца на примере современной узбекской лирики. Образ солнца, содержащий противоположное поле с тенью в стихотворном произведении, выясняются как образующего главного фактора в выявлении поэтического вымысла.

Annotation

In the given article the poetical function of the image sun in the background modern Uzbek lyric poets is researched. They Are Realized image sun, containing opposite fields with shade in poetical product, as forming main of the factor in discovery poetical fiction.

Таянч сўз ва иборалар: қуёш, ранг, мумтоз шеърият, анъана, образ, рамз, лирик қаҳрамон, бадиий деталь, бадиий ифода.

Ключевые слова и выражения: солнце, цвет, классическая поэзия, традиция, образ, символ, лирический герой, художественная деталь, художественное выражение.

Key words and expressions: sun, color, classical poetry, tradition, image, symbol, lyrical hero, artistic detail, artistic expression.

Шеърият аввало, инсонга маънавий нур бағишловчи, руҳиятини ёруғликка элтувчи мўъжизадир. Бадиий адабиётда, хусусан, шеъриятда қуёш образининг ўзига хос салмоқли хусусияти мавжуд. Чунки шоирларнинг қуёш образига мурожаати моҳияттан ижодий йўсинни белгилаб берган муҳим омил сифатида кўзга ташланади. Бунда қуёш образи инсонни комиллик, эзгуликка элтувчи маърифат манбаи сингари порлаб турганлиги намоён бўлади.

Ёруғ оламнинг яралиши қуёш билан ҳам боғлиқ бўлган физик ҳодисадир. Қуёш нури туфайли она заминимизда илоҳий мўъжиза – ҳаёт мавжуд. Одамзод ўз тафаккурига эга бўла бошлаган даврданоқ қуёшдан илоҳийликни англаб, унга умид ва ишонч рамзи сифатидаги муносабати шаклланиб келган. Қадимги дунё тарихида қуёшга, ҳаттоқи, инсон қиёфасидаги худо сифатида қараш мавжуд бўлган [1.165]. Бундай қарашлар кўплаб ҳалқлар динида акс этганлигини, Юнон ва Рим, Мексика ҳамда Перу маданиятлари ва, ниҳоят, литва, славян, герман ва бошқа ҳалқлар тарихида кузатамиз.

Илк муқаддас китоблардан бири саналган зардўштийларнинг “Авесто” китобида қуёшга нисбатан ҳаётнинг асоси сифатида қаралади. Шунинг

учун ҳам бу муқаддас китобда оламни ёруғлик кучлари туфайли ҳаёт мавжуд эканлиги уқтирилади. Унда айтилишича, оламнинг дастлаб яралиши ёруғлик кучлари Ахура Мазда шарофати туфайлидир.

Насронийларнинг муқаддас китоби – “Инжил”да ҳам Яратгувчининг оламни бунёд этишининг тўртинчи кунида қуёшни яратганлигини ва у орқали заминга нур таралганлиги келтирилади. Эътиборлиси, муқаддас китобларда Оламнинг яратилиши аввалида Нур яратилганлиги айтилади. Шундан сўнг унинг қувватидан баҳраманд бўлиб барча борлиқ, жонзору ўсимликлар яратилганлиги таъкидланади.

Инсоният тарихининг кейинги даврларида қуёшга нисбатан умид ва ишонч рамзи сифатидаги муносабат шаклланди ва у бадиий адабиётда маънавий нур манбаи сифатида ҳам талқинлана бошлади.

Демак, “қуёш – барча ҳалқларга маълум бўлган энг қадимги космик рамз; ҳаёт манбаи, ёруғликни билдиради. Қуёш рамзлари билан устуворлик, ҳаёт яратиш, фаоллик, қаҳрамонлик негизи, ҳамма нарсани билиш каби хусусиятлар боғланади” [2.32], дейилишига асос бор.

Тасаввуфий шеъриятда ҳам қуёшга

А.Абдурахмонов – ФарДУ катта илмий-ходим изланувчиси.

илюхийликнинг манбаи сифатида илоҳ ҳамда ёр тимсолида мурожаат этилгани маълум.

Даврлар ўтиши билан қуёш табиий хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда маънавий ҳаётда ҳам ўзининг символини, рамзини топа бошлади. Майший турмушда инсонларнинг ўрни, аҳамияти қуёшга нисбат қилиб белгилаш, аташ бошланди.

Шундай қилиб, қуёш образининг ижтимоий-маънавий ҳаётга кириб келиши ва унинг аҳамиятидан келиб чиқсан ҳолда бадиий адабиётда акс этишини икки хил кўринишда кузатамиз: 1) *Қуёш образининг эътиқодий манба сифатидаги талқини;* 2) *Қуёш образи ижтимоий турмушдаги маълум индивидларнинг маънавий қувват манбаи сифатидаги талқини.*

Ёр тимсолидаги қуёш образига мумтоз адабиётда асосан диний қараси асосида мурожаат қилинган бўлса, янги ўзбек адабиётида унинг функцияси ўзгарди. Яъни ижтимоий-маънавий ҳаёт эҳтиёжи бу образ ифода вазифасини бир оз ўзгартириди.

Ўлкамизда юз берган кескин ижтимоий-сиёсий ўзаришлар гирдобида қолган ҳур фикрли кишилар эркинлик заруратини чукур ҳис этганларидан ўз маънавий эҳтиёжларини қуёш образи тимсолида намоён қила бошладилар. Натижада, бадиий ижода қуёш образининг функцияси ўзгарди. Энди у диний-эътиқодий рамздан кўра эрк ва озодлик рамзи сифатида ўз талқинини топа бошлади.

Аёнлашадики, XX аср 20-30-йилари ўзбек лирикасида қуёш образи ўлкада юз бераётган кескин ижтимоий-сиёсий курашлар фонида берилиди. Эрк тақдирининг бадиий ифодаси қатор шоирлар шеърларида қаламга олиниб, ўзлари интилган чин маънодаги ҳақиқат сифатида қуёш образи талқинланди. Қуёшга хос табиий хусусиятлар бадиий муҳитда лирик инъикосини топди. Шоирларнинг қалб кечинмалари билан фалсафий-гоявий қурашлар ўйғунлик касб этиди. Турли бўхронлардан тушкунликка тушиб кетмаган лирик қаҳрамон нур манбаи бўлган қуёшдан руҳоний мадад олади. Бунда қуёш ўзига хос маънавий-маърифий комиллик, руҳий эҳтиёж, муқаддаслик, орзу каби рамзларнинг ўйғунлашган образи сифатида гавдаланди, бадиий муҳитда ижодий мантиқнинг асоси – ядросига айланди. Бу жараён қуёшнинг

турли ҳолатларда тасвирланишида ҳам чукур фалсафий-гоявий аҳамият касб эта олди. Масалан: *Жим!.. Уфқдан ботар қуёшни // Шарт кесилган бошга ўхшатдим. // Парча-парча куйган шафақлар // Тирқираган қонни эслатди!* (Усмон Носир.“Монолог”) [4.141].

Ушбу тасвир образларининг бадиий кодларини ечишга киришилса, чукур ижтимоий-сиёсий, фалсафий-гоявий аниқ масалалар кўтарилганлиги аёнлашади. Ижодкор руҳиятининг лирик қаҳрамон бадиий руҳияти билан ўйғунлигини ҳис этамиз. Сатрлардаги “*уфқда ботаётган қуёш*” – шунчаки қуёш эмас, фазаси атайн танлаб олинган қуёшdir. Қуёш образи эрк, озодлик рамзи сифатида талқинланганлиги кейинги сатрларда ойдинлашади. “*Шартта кесилган бош*” жумласи ўқувчининг тасаввурига жаллод томонидан бечора маҳбуснинг боши танасидан жудо этилишидек мудхиш қотиллик манзарасини келтиради. Унинг ерга узала тушган бошсиз танасидан атрофга қон сачраб кетиши – “*парча-парча куйган шафақлар, тирқираган қонни эслатар*” сатрлари орқали тасвирлаб берилади. Кўринадики, қуёш ботишининг бундай табиий ҳолати – ўша даврдаги ўлкадаги эрк, озодликнинг бўғиб қўйилиши ҳолатига параллел қўйилиб, бадиий талқинини топади. Усмон Носирнинг ижодида асосий тамойилларга айланган бу ҳолатнинг бадиий ифодасига яна мурожаат этиш мумкин: Эрки қулфдир, ҳаёти қулф, бор худолар қулф – // Косасида сув йўқ, куруқ халтаси – нон йўқ. // Ботаётган қуёш каби рангида қон йўқ. (Усмон Носир “Нил ва Рим”) [4.123].

Қуёш ботгач, эртасига унинг муқаррар чиқиши билан боғлиқ табиий жараён шеърий асар мантиғига сингдирилди ва давр лирикасининг мавзуси кўринишини олди. Бу кўриниш асосан қуёш нуридан, унинг қайта порлашидан умидини узмаган, у ботган бўлса-да, нурлари бехуда кетмаганлигини тийрак нигоҳ билан тафаккурига муҳрлашга улгурган лирик қаҳрамоннинг “зулмат” кучларига мурожаатида акс этиди. Нур образи хоҳ лирик қаҳрамон қиёфасида, хоҳ бадиий композициянинг бир унсури сифатида иштирок этмасин, ҳар жиҳатдан қуёш образи шеърнинг бадиий-эстетик қуввати – нур манбаи бўлиб хизмат қилаверади.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Қуёш образи эртанги содир бўлгуси муқаррар эрк ва ҳурлик рамзида намоён бўладики, ижодкор буни чин ишонч билан таъкидлашга ботина олади: *Енгган қўшин бошлиғидек гердайиб // Ботган қуёш булутларнинг остига // Бош кўтариб чиқмоқ учун тириша... (Чўлпон. "Тортишув тонги")* [5.61]. Уша шеърда яна: *Чиқадиган қуёшни сиз бехуда // Этак билан тўсмок учун тиришманг.*

Эркинлик, ҳурликка параллел ҳолатда моҳиятини ифодалаб келган қуёш образи табиий хусусиятига хос акс эттириши бадиий ғоя динамикасига қувват бағишловчи восита сифатида намоён бўлади.

Қуёш ботган бўлса-да, нурлари бехуда кетмаганинглини лирик қаҳрамон тийрак нигоҳи билан акс эттиради. *Сўлғин бир кулиш // Отиб, отиб қочади // Баъзи вақт қуёш.* (Ойбек. "Қиши кўринишлари") [3.57].

Яна: *Қуёш оғди уфқдан, // Бир тўплам олов сочин // Илиб қолди ўрмонлар.* (Ойбек. "Онлар") [3.141].

Қуёшнинг бундай эркинлик, ҳурликка параллел образ сифатида гавдалантирилиши ўз навбатида табиий хусусияти бадиий ғоя динамикасига қувват бағишилайди: *Ул кетгач, кун чиқар ёруғлик сочиб, // Ундан-да сўраймен сенинг тўғрингда.* (Чўлпон. "Гўзал") [5.31]. Яна:

Юксакларда қуёш – олтин байробинг. (Ойбек. "Денгизга") [3.164].

Қуёш бадиий яхлитлиги билан бадиий ғояни нурлантиради.

Кўринадики, XX асрнинг бошларига келиб қуёш образи ўзининг ғоявий-эстетик функциясини ўзгартиреди. Бу даврда эрк, озодлик шахс учун энг зарур эътиқод даражасига айланган эди. Шунинг учун XX асрнинг 20-30-йиллари ўзбек шеъриятида қуёш образи шахс эркининг идеали, эрк ва озодлик рамзи сифатида талқин этила бошлади.

Шундай қилиб, қуёш образи шеъриятда эътиқодий моҳиятдан ижтимоий-фалсафий моҳият касб этадиган кенг талқинли образ даражасига кўтарилиди. Дастрлаб фақатгина ягона – диний моҳиятнинглини ифодалаган образ реал ҳаётий воқелиқдаги реал кишиларнинг эҳтиёжларини ўзида акс эттирувчи ҳалоскорлик манбаи сифатида талқин этилди. Яъни эътиқодий доирадан кўра фаолроқ бўлган ижтимоий-маънавий ҳаёт доирасига ўтди. Нурнинг асосий манбаи бўлган қуёш образи ҳозирги ўзбек лирикасида чуқур ижтимоий-сиёсий, маънавий-фалсафий, индивидуал-эстетик ҳолатларнинг бадиий талқинини ўзида мужассамлаштиргани ҳолда намоён бўлди.

Адабиётлар:

- Гегель. Сочинения. Том 8. – М., 1935.
- Мингбоева Д. Тимсолар тилсими. –Т.: Янги аср авлоди, 2007.
- Ойбек. Асарлар. Ўн томлик. 1-том. Шеърлар. – Т., 1968.
- Усмон Носир. Танланган асарлар. Биринчи том. Шеърлар. – Т., 1969.
- Чўлпон. Асарлар. IV жилдлик. I жилд. – Т.: Akademnashr, 2013.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев, филология фанлари доктори).